


А Ж Р И М

2022 йил 13 январь куни жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, “Анорзор” м.ф.й. биносида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Ф.Исмаилова, судья ёрдамчиси Х.Мамадалиев котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси - Юнусобод туман прокурорининг ўринбосари Ҳ.Анортоев, гумонланувчи Д.Исматуллаев, жабрланувчи Б.Закирджановнинг иштирокида Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан айбланган гумонланувчи:



нисбатан 1-1004-2202/11-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки тергов органи ҳужжатларига кўра, Д.Исматуллаев 2021 йил 22 ноябрь куни соат 14:15ларда ўзининг бошқарувидаги давлат рақами 10 927 ZBA бўлган “МАН” русумли оғир юк автомобилени Тошкент шаҳар Юнусобод тумани, А.Дониш кўчасида жойлашган Тахтапул масжиди қаршисида амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди, 11-банди “Г” қисми, 63-бандида яъни, “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”, “Транспорт воситасини ҳайдовчиси ҳаракатланиш жараёнида пиёдаларга нисбатан эҳтиёткорлик чораларини кўришга мажбурдир”, “Транспорт воситасини орқага ҳаракатлантиришда ҳайдовчи йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаши ва бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларига ҳалақит бермаслиги шарт. Зарурат туғилганда ҳайдовчи бошқа шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиши керак” деб кўрсатилган қоидаларга риоя қилмасдан орқага ҳаракатлантириб, пиёда Закирджанов Баҳром Талгатовични уриб юборган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 30.11.2021 йилдаги №7696-Х-Хуж-сонли хулосасига кўра, Б.Т.Закирджанов мазкур йўл-транспорт ходисаси натижасида “Чап оёқ кафт соҳаси оғир травмаси, чап оёқ бармоқларини мажағланиши, чап оёқ болдир ташқи тўпиғини ёпиқ синиб суяк бўлақларини қоникарли туриши, чап оёқ болдир ташқи тўпиғини ташқи тўпиғини ёпиқ синиб суяк бўлақларини қоникарли туриши, чап оёқ 2,5-кафт суяқларини очик синиши, чап оёқ 2,3,4-бармоқлари асосий фалангасини травматик узилиши” каби “ЎРТАЧА ОҒИР” даражадаги тан жароҳатлари олганлиги аниқланган.

Суд мажлисида гумонланувчи Д.Исматуллаев ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчига



етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Б.Закирджанов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги ариза такдим қилиб, гумонланувчи Д.Исматуллаевга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини айтиб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс ўз айбига иқдор бўлган бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Б.Закирджанов ва гумонланувчи Д.Исматуллаевнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Юнусобод туман прокурори ёрдамчисининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумонланувчининг айбига иқдорлиги, муқаддам судланмаганлигини, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ярашув гумонланувчи ва жабрланувчининг бирон-бир тазйиксиз, ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят, ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ярашувга тушишини инobatга олиб, Д.Исматуллаевга нисбатан жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Б.Закирджановга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумонланувчи [REDACTED] нисбатан жиноят иши, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи [REDACTED] мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят бериши ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

имзо

Ф.Исмаилова

Ажрим нухасини асли тўғри:

